

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВ ҚАҲОР ШОНАЗАРОВИЧ**

**УЗЛУКСИЗ ФИЗИКА ТАЪЛИМИДА НАЗАРИЙ  
УМУМЛАШТИРИШЛАРНИНГ ДИДАКТИКАСИ  
ВА МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИНИНГ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

УДК: 530.131:532.14+371.302(021)

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of dissertation abstract doctor sciences (DSc)**

**Турсунов Қаҳор Шоназарович**

Узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришларнинг

дидактикаси ва методикаси.....5

**Турсунов Қаҳор Шоназарович**

Дидактика и методика теоретических обобщений в непрерывном

физическом образовании..... 29

**Tursunov Kakhor Shonazarovich**

Didactics and methodology of theoretical generalizations in lifelong

physical education..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНОВ ҚАҲОР ШОНАЗАРОВИЧ**

**УЗЛУКСИЗ ФИЗИКА ТАЪЛИМИДА НАЗАРИЙ  
УМУМЛАШТИРИШЛАРНИНГ ДИДАКТИКАСИ  
ВА МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИНИНГ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Ped180 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (qarshidu.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.


Илмий маслаҳатчи:	<b>Шодиёв Ризамат Давронович</b> педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	<b>Қахҳоров Сиддиқ Қахҳорович</b> педагогика фанлари доктори, профессор
	<b>Қурбонов Мирзааҳмад</b> педагогика фанлари доктори, профессор
	<b>Қўглиев Учқун Отабоевич</b> Физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	<b>Термиз давлат университети</b>


Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил "25" Сентябр соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (75) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56, e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 201-хона.


Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (64 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, (75) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56, e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "13" 09 кун тарқатилди  
(2021 йил "13" 09 да 11 – рақамли реестр баённомаси).



 **Х.О. Жўраев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси ўринбосари, н.ф.д., доцент

 **Н.Б. Камолов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, н.ф.ф.д., (PhD).

 **Х.О. Жўраев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, н.ф.д., доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган глобаллашув ва ижтимоий-иқтисодий интеграция натижасида XXI аср фан ва техника тараққиётида буюк бурилиш билан бошланди. Тарихан бу давр табиий-илмий фанлар оламшумул ғалабаларни қўлга киритаётган ва ахборат алмашиш технологиялари мисли қўрилмаган чўққиларга эришиши билан бир қаторда, рўёбга чиқаётган муаммоларни бартараф этиш учун жаҳон таълим тизими олдида қандай масъулятли вазифаларни қўяди? – деган савол бугун барчани қизиқтиради. Ўқувчилар онгида оламнинг яхлит моддий ва маънавий манзарасини шакллантириш масаласида эса, жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Бугунги кунда хорижий педагог олимлар томонидан инсон илмий дунёқарашини шакллантиришда узлуксиз физика таълимига қўйилаётган замонавий талаблар асосида назарий умумлаштиришга оид қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Физика фанининг ютуқлари замонавий техниканинг гуркираб ўсишига ва ривожланишига хизмат қилади. Табиий фанлар тузилиши ва мазмунини постноклассик даражада баён қилишда, назарий умумлаштиришларни дидактикаси ва методикасини ўзлаштириш жуда муҳим масала ҳисобланади.

Дунёда аниқ ва табиий илмий фанларни ўқитиш сифатини яхшилаш орқали, ўқувчиларнинг ақлий салоҳияти ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун замонавий методик таъминотни яратиш ва таълим сифатини таъминлашга йўналтирилган самарали тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Аниқ ва табиий илмий фанларни, жумладан, “Физика” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талабларига, инновацион таълим муҳитида ўқитишнинг янги стратегияларига мослаштириш, доимий янгиланиб, ўзгариб, такомиллашиб бораётган таълимнинг ахборот инфраструктураси базасини назарий умумлаштиришлар асосида яратиш, технологик тараққиёт талабларига мослаштириш, инновацион технологиялар асосида ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Республикамизда сўнгги йилларда узлуксиз таълимни ривожлантириш, жумладан, аниқ ва табиий фанларни ўқитиш савиясини оширишга катта эътибор қаратилмоқди. “Физика, математика, кимё, биология, информатика ва компьютер технологияси каби фанлар бўйича ихтисослаштирилган мактабларни кўпайтириш ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш илмий-техник тараққиёт бўйича мамлакат келажагини белгилаб беради”<sup>1</sup>. Физика фанини XXI аср фани ва технологиялари даражасидаги постноклассик дунёқараш аспектида ўқитиш назарий билимларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг дидактик ва методик имкониятларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январда ПФ-4513-сон “Умумтаълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.<sup>2</sup>** Табиий-илмий фанларнинг таълимдаги ўрни, шакли ва мазмуни масаласи дунёдаги жуда кўп олимларни ва дунёнинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларини, жумладан: University of Nevada (АҚШ), University of Bayreuth (Германия), University of Kent (Англия), Nord University, Буде, (Норвегия), National University of Singapore (Сингапур), Уфа давлат университети (Россия), Беларуссия давлат университети (Белорусия), Хоккайдо университети (Япония), Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Узлуксиз таълим маркази (Ўзбекистон) каби халқаро нуфузли илмий-тадқиқот марказларни қизиқтириб келган, узлуксиз таълим ЮНЕСКО томонидан кенг тарғиб қилиниб, халқаро ривожланиш комиссиясининг ҳисоботида узлуксиз таълим дунёнинг барча мамлакатларида таълимни келажакда ривожлантириш учун бошқарув концепцияси сифатида тақдим этилган.

Дунёнинг етакчи назариячи ва амалиётчи педагог олимлари томонидан, шу жумладан: С. Douglas, Е. R. Smith, D. M. Heyes, B. S. Bloom, J. Piaget, N. Chomsky, N. Hager, M. Bunge, X. Hummel, Т. Бьюзен, Б. Бьюзен, Д. Джанколи, В. П. Беспалько, В. Ф. Ефименко, В. В. Мултановский, Ron Clark ва бошқалар томонидан узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришнинг дидактик тамойиллари асосида постноклассик табиатшуносликнинг ҳосиласи бўлмиш синергетика назариясига асосан табиат, жамият ва инсон тафаккури қонуниятларини ўрганишга оид илмий тадқиқотларда умумметодологик тамойиллар муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>2</sup>Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи замонавий манбалар асосида амалга оширилган: [www.window.edu.ru](http://www.window.edu.ru), [instrao.ru](http://instrao.ru), [www.inha.uz](http://www.inha.uz), [facebook.com/inha.uz](https://facebook.com/inha.uz).

Дунё миқёсида табиий-илмий фанларни, хусусан, физиканинг табақалаштирилган мазмуни асосида XXI асрни бошларида кузатилаётган иқтисодий-сиёсий, энергетик, экологик ва бошқа муаммоларни олдини олишга қаратилган ишлар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий ва амалий натижалар олинган: табиий-илмий фанларни ўқитишнинг интерфаол таълим технологиялари жорий қилинган (Leiden University); ўқувчилар илмий дунёқарашларини ривожлантиришнинг назарий ва эмпирик ёндашув асосидаги интерфаол дастурий воситалари яратилган (Polish Society for Human Evolution Studies); ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларининг интеграция ва дифференциация устуворлиги негизида модулли таълим тизими ишлаб чиқилган (Center for Cellular and Molecular Biology); табиий-илмий саводхонликни ривожлантиришда халқаро баҳолаш дастурлари PISA (Programme for International Student Assessment) ва TIMSS (Trends in Mathematics and Science Study) дан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган (Россия таълимни ривожлантириш стратегиялари институти); Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2002 йилда Европа кенгаши томонидан қабул қилинган “Европа - 2020” ҳужжатига асосан, узлуксиз таълимни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Физикадан назарий умумлаштиришлар муаммоси XX асрнинг 80-йилларига тааллуқли бўлса-да, бугунги ахборотлашган ва глобаллашув шароитида бутун дунё ва мамлакатимиз узлуксиз таълими тизимида ўзига хос янги йўналиш ҳисобланади. Диссертациянинг назарий асосларини ишлаб чиқишда шу соҳадаги етук психолог, дидактик, педагог, методист ва табиатшунос олимларнинг фундаментал тадқиқот ишларига таянилди. Хусусан, Республикамизда аниқ ва табиий-илмий фанларни ўқитишнинг концептуал асослари П.Қ. Ҳабибуллаев, Д.Ш. Шодиев, М.М. Мамадазимов, Б.М. Мирзахмедов, Ю.Ғ. Махмудов, М. Джораев, С.Қ. Қаҳҳоров, Э.Н. Назиров, М. Қурбонов каби олимлар томонидан яратилган бўлиб, унинг амалий тадбиқлари Э.О. Турдиқулов, Р.Д. Шодиев, Ҳ.О. Жўраев, Ҳ. Арғинбоев, Ж. Толипова, К.А. Турсунметов, Ш.С. Шарипов, Р.А. Зоҳидов каби Республикамиз олимларининг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

МДХ давлатлари узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришларнинг фундаментал назарий ва амалий асослари: Н.В. Кашин, А.В. Цингер, И.И. Соколов, Н.М. Шахмаев, В.В. Мултановский, В.Ф. Ефременко, Л.Я. Зорина, А.А. Синявина, Ю.К. Бабанский, В.Г. Разумовский, Л.П. Свитков ва А.В. Хуторской каби олимлар томонидан ўрганилган.

Узлуксиз физика таълими замонавий фундаментал физик назарияларидан ташкил топиши мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, республикамизда давлат таълим стандартлари (ДТС), муқобил физика таълими ўқув дастури ва дарсликлари П.Қ. Ҳабибуллаев, Д.Ш. Шодиев, Б. Мирзахмедов, М.М. Мамадазимов ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳамдўстлик давлатларида С.В. Громов, А.Е. Гурьевич, В.А. Орлов, Н.С. Пурьшева, Н.М. Шахмаев, Д.Ш. Шодиев, В.Г. Зубов, А.В. Перышкин, Н.А. Родина, П.Г. Саенко, У.В. Усова, С.Е. Каменецкий, А.А. Пинский, В.Г. Разумовский, Ю.И. Дик ва бошқа олимларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин. XX асрнинг 90-йилларидан XXI асрнинг 20-йилларигача бир қатор муаллифлар томонидан узлуксиз физика таълими учун дастур ва дарсликлар яратилган. Бу даврда замонавий физика таълимида физик ходисалар, тушунчалар, катталиклар, моделлар, қонунлар, оламнинг физик манзарасига оид тасаввурлар постноклассик даражасида мазмунли умумлаштиришлар орқали етарлича тақдим этилмаган.

Ривожланган хорижий давлатларда оламнинг физик манзарасини асосий методологик масалаларини табиий фанлар нуқтаи назаридан аниқлаштиришларга оид тадқиқотлар S. Nagel, J. Piaget, A. Gartung, J. Kidd, Ron Clark каби олимлар томонидан олиб борилган бўлса-да, физик назариялари бўйича назарий умумлаштиришлардан фойдаланиш муаммосига бағишланган кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Мазкур зиддиятлар узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришлар муаммоси ҳозирги кунга қадар давр талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг БАМВ-ФЗ-004-рақамли “Халькопирит ярим ўтказгичларининг асосий иссиқлик – физикавий, структуравий ва конструктив параметрларини оптималлаштиришнинг фундаментал қонуниятларини аниқлаш ва уларнинг математик моделларини яратиш” мавзусидаги амалий-илмий лойиҳа (2017-2020 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришларга йўналтирилган таълимнинг илмий даражасини фан-техника ривожланишининг ҳозирги постноклассик босқичида амалга оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

узлуксиз физика таълимида фундаментал назариялар кетма кетлигини концентрик мазмун ва тузилиш асосида таркиблаштирилган назарий умумлаштиришлардаги методологик билимларни аниқлаш ва асослаб бериш;

узлуксиз физика таълимида физика назариялари замирида оламнинг физик манзарасига оид тасаввурларни шакллантириш ва ривожлантиришда назарий умумлаштиришларнинг дидактик шартларини аниқлаш;

физиканинг фундаментал назариялар бўйича танишиш → моделлаштириш → эгаллаш → уддалаш асосидаги бошланғич далиллар, назарий умумлаштиришлар, амалий қўлланилиши, фаолияти каби кетма-кетлик асосида билимлар тизими ва оламини ўрганиш методи ўртасидаги ўзаро боғланишни ўз ичига олувчи ўқув материалининг таркибий мазмунли дидактик моделларини ишлаб чиқиш;



ахборотлашган жамият таълим муҳити негизида узлуксиз физика таълими мазмунининг узвийлигини таъминлашда назарий умумлаштиришларнинг моделлар, тушунчалар, қонунлар ва тамойиллар каби даражалари асосида таркиблаштириш;

глобал ахборот муҳитида узлуксиз физика таълими мазмунининг узвийлигини таъминлашда назарий умумлаштиришларни дидактик имкониятлари методикасини ишлаб чиқиш;

тадқиқот муаммосига доир ишлаб чиқилган методикани педагогик эксперимент давомида синовдан ўтказиш ва узлуксиз физика таълими самарадорлигини оширишга доир илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида узлуксиз физика таълими жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришларнинг дидактикаси ва методикаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, анкета, умумлаштириш, савол-жавоб, суҳбат, педагогик эксперимент, математик-статистика усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

uzlукsиз физика таълимининг концентрик мазмуни ва тузилишидан келиб чиқиб, физик назариялар ҳамда оламнинг физик манзараси ғояларига оид фазо ва вақт, майдон ва материя, ҳаракатнинг нисбийлиги, жисмларнинг ўзаро таъсири, термодинамик ва статистик методлар, моделлаштириш, сақланиш қонунлари, симметриялик тамойили, фундаментал ўзаро таъсир қонунлари каби методологик ташкил этувчилар белгилаб берилган;

uzlукsиз физика таълимида механика, молекуляр физика ва термодинамика асослари, электродинамика, квант физикаси элементлари каби фундаментал физик назариялар асосида оламнинг физик манзарасига оид тасаввурларни ривожлантиришда назарий умумлаштиришларнинг дидактик шартлари аниқланган;

фундаментал физик назарияларнинг таркибий кетма-кетлигидан фойдаланиб, далиллар → моделлар → тушунчалар → қонунлар → амалда қўлланилиши → фаолият усуллари каби ўзаро боғланишли таркибий– мазмунли дидактик моделлар ишлаб чиқилган;

ахборотлашган жамият таълим муҳити негизида узлуксиз физика таълими мазмунининг узвийлигини таъминлашда назарий умумлаштиришларнинг моделлар, тушунчалар, қонунлар ва тамойиллар каби даражалари асосида таркиблаштирилган дидактик имкониятлар аниқланган;

uzlукsиз физика таълим тизимида фундаментал физик назариялар – танишиш (далиллар) → моделлаштириш (назарий умумлаштиришлар) → эгаллаш (амалда қўлланилиши) → уддалаш (фаолият усуллари) каби ўзаро боғланган мантиқий тизим асосида ўқитиш методикаси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

узлуксиз физика таълими учун умумлаштиришлар асосида физика ўқув фанининг концепцияси ва муқобил ўқув дастури лойиҳаси ишлаб чиқилган;

узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришлар асосидаги ишланмалари яратилган;

физика фанидан умумлаштиришларни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган;

узлуксиз физика таълимида ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини шакллантириш билан бир қаторда ахлоқий тарбия, ватанпарварлик тарбияси ва етук маънавий шахсни табиълашдаги ўрни кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, фойдаланилган назарий маълумотлар расмий манбалардан олинган, Республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчи олимларнинг ишларига асосланган, Республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, ОАК рўйхатига киритилган ва бошқа хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистика методлари ёрдамида тасдиқланганлиги, яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида машғулотларни олиб бориш методикаси юзасидан берилган хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти узлуксиз физика таълими жараёнида таклиф этилган назарий умумлаштиришлар асосида физикани ўқитиш ўқувчиларда физика таълими стандарти талабларига мувофиқ тизимли билимларни шакллантириш имконини беради ҳамда фундаментал физик назариялар (механика, термодинамика, молекуляр физика, электродинамика, квант физикаси) таркибига оламнинг физик манзарасига оид ғоялар кўринишдаги назарий умумлаштиришлардан таркиб топиб, физика таълимининг объектлар, физик катталиклар, умумий илмий тушунчалар, сақланиш қонунлари, табиатни ўрганишнинг асосий методлари каби методологик билимларнинг ўзаро интеграциясини асослаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти шундан иборатки, узлуксиз физика таълимида фундаментал физик назарияларнинг асосий таркибий мазмунли дидактик моделлари яратилган ҳамда узлуксиз физика таълимида танишиш → моделлаштириш → эгаллаш → уйдлаш асосидаги назарий умумлаштиришни амалиётда қўлланилиши ва бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси ишлаб чиқилганлиги, мутахассислик ўқув модуллари бўйича ўқув-услубий мажмуаларни яратишда, шунингдек, университет ва институтларда махсус курсларни ташкил этиш ва ўтказишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришларни шакллантириш борасидаги ишлар ва илмий натижалар асосида:

узлуксиз физика таълимининг концентрик мазмуни ва тузилишидан келиб чиқиб, физик назариялар ҳамда оламнинг физик манзараси ғояларига оид методологик ташкил этувчилар асосида белгилаб берилган хулосалардан “Физика-астрономия курсини ўқитишда моделлаштиришдан фойдаланиш”, “Физика ўқитишнинг назарий асослари” номли ўқув қўлланма ва “Физика ўқитиш услуби” фанининг ўқув дастурлари (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган (№107. 14.03. 2012 ва №430. 14.11.2014). Натижада “Физика ўқитиш методикаси” ўқув фанини илмийлик даражасини оширишга хизмат қилган;

узлуксиз физика таълимида механика, молекуляр физика ва термодинамика асослари, электродинамика, квант физикаси элементлари каби фундаментал физик назариялар асосида Оламнинг физик манзарасига оид тасаввурларни ривожлантиришнинг дидактик шартлари “Физикадан лаборатория машғулоти” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сон буйруғи, 603-308 рақамли гувоҳнома) ва “Физика. Методик кўрсатмалар ва назорат ишлар тўплами” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сон буйруғи, 892-048 рақамли гувоҳнома) каби ўқув қўлланмалар мазмунига сингдирилган. Натижада ўқувчиларнинг назарий ва эмпирик билиш қобилиятларини ривожланишига ва ошишига хизмат қилган;

фундаментал физик назарияларнинг таркибий кетма-кетлигидан фойдаланиб, далиллар → моделлар → тушунчалар → қонунлар → амалда қўлланилиши → фаолият усуллари каби ўзаро боғланишли таркибий– мазмунли моделлар асосида ишлаб чиқилган “Физика таълим технологияси” ўқув методик қўлланма мазмунига сингдирилган (Қарши: Насаф нашриёти, 2012). Натижада узлуксиз физика таълимида ўқитувчилар фаолиятларини илмий ташкил этиш, ижодкорликнинг когнитив ва шахсий-мотивацион жиҳатларини ошириш учун фойдаланилган;

ахборотлашган жамият таълим муҳити негизида узлуксиз физика таълими мазмунининг узвийлигини таъминлашда назарий умумлаштиришларнинг моделлар, тушунчалар, қонунлар ва тамойиллар каби даражалари асосида таркиблантирилган дидактик имкониятлар аниқланганлигига доир хулосалари “Молекуляр физика ва термодинамика асослари” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи, 522-030 рақамли гувоҳнома) ва “Геодезик астрономия” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 02 ноябрдаги 1023-сон буйруғи, 1023-152 рақамли гувоҳнома) дарслик ва ўқув қўлланмалар мазмунига сингдирилган. Натижада ўқувчи-талабаларнинг билиш қобилиятини, креатив компетентликларини ва фикрлаш динамикасини оширишга хизмат қилган;

узлуксиз физика таълим тизимида фундаментал физик назариялар- танишиш (далиллар)→моделлаштириш (назарий умумлаштиришлар)→эгаллаш (амалда қўлланилиши)→уддалаш (фаолият усуллари) каби каби ўзаро боғланган мантиқий тизим асосида фундаментал физика назарияларни ўқитиш методикасини

такомиллаштирилишига доир хулосаларидан БАМВ-ФЗ-004 “Халькопирит ярим ўтказгичларининг асосий иссиқлик-физикавий, структуравий ва конструктив параметрларини оптималлаштиришнинг фундаментал қонуниятларини аниқлаш ва уларнинг математик моделларини яратиш” номли фундаментал тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитасининг 2017 йил 15 мартдаги 1-сонли маълумотнома). Натижада ўқувчи талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, ақлий ва креатив фаолиятини фаоллаштиришга, яхлит илмий дунёқарашнинг шаклланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва педагогик тажриба-синов ишлари натижалари халқаро ва минтақавий семинар ва конференцияларда (Москва, Нукус, Туркестан, Новокузнецк, JENAM-2000-Moscow, Переяслав-Хмельницкий, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қарши, Термиз, Бухоро, Гулистон, Жиззах); ўқитувчилар малака ошириш курсларида (Қашқадарё); ТДПУ, БухДУ, СамДУ, Навоий ДПИ, Ажинияз номидаги Нукус ДПИ, БухДУ да ташкил қилинган семинар ва давра суҳбатларида, ўқитувчилар, таълим муассасалари раҳбарлари олдида тақдимот қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 218 та илмий, илмий-услубий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 47 та, шундан 34 та республика ва 13 та хорижий журналларда мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, беш боб, асосий матни 228 саҳифа, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишга жадваллар, расмлар ва схемалар кўринишидаги иллюстратив материаллар илова қилинган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот методлари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва амалиётга жорий этилиши ёритилган, назарий ва амалий аҳамияти, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг “Узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришларнинг методологик, дидактик ва психологик асослари”** деб номланган биринчи бобида узлуксиз физика таълими босқичларида физиканинг ўқув фани сифатидаги ўрни ва аҳамияти, назарий умумлаштиришларнинг методологик, дидактик ва психологик асослари ёритиб берилган. Албатта,

методологик масалаларга бағишланган ўқув материалнинг бундай тузилиши ўз ўрнига эга. Бироқ, турли муаллифлар гуруҳи “Кириш” боби мазмунини турлича таркиблаштирганлар. Физикани ўрганиш борасида бевосита физик жисм, модда, электромагнит майдон каби асосий методологик билим тоифаларига ва физикани ўрганиш объектлари сифатида умумлаштиришдан бошланади.

Назария ва метод ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ўзаро методологик, дидактик ва психологик бирликда маълум бир фан соҳасининг моҳиятини акс эттиради. Уларнинг ташкил этувчилари дидактик симметриклик қонунига бўйсўнади. Барча методологик ва физик назарияларнинг уйғунлашуви табиий ҳодисаларни ўзаро боғлиқлиги синергетик ривожланишга олиб келади. Узлуксиз физика таълими ҳам бундан мустасно эмас. Демак, олиб борган тадқиқот ишларимизнинг методологик ва дидактик асослари мавжуд. Физикада бундай тушунчаларга энергия ва энергияни сақлаш қонунини биргина мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Зеро, бу қонун фундаментал физика назарияларнинг асосий таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришлар (моделлар, тушунчалар, қонунлар) асосида ўқув материалларни таркиблаштириш ўқувчиларни оламнинг физик манзараси ғояси билан муккамал таништириш учун имконият яратади. Ўқув материалларини танлаш ва таркиблаштириш ҳозирги замон дидактакасининг муҳим масалаларидан биридир. Танланган ва таркиблаштирилган ҳар қандай ўқув материали ўқувчиларда энг аввало, ДТС да назарда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиши керак. Бироқ кузатишларимиз шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ўқув фани мазмунини танлашда ва таркиблаштиришга амал қилинмаган. 1-жадвалда узлуксиз физика таълимида оламнинг физик манзараси ғояси мисолларда акс эттирилган. Узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришларни ўрганиш илмий билиш методи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ўзида билишнинг эмпирик ва назарий даражаларини бирлаштиради.

Физиканинг ҳар бир ривожланиш босқичида физик билимларни системалаштириб, умумий тамойиллар асосида коинот манзараси яратилади. Бунда турли хил физик назариялар ягона ғоя, яъни ОФМ атрофида бирлаштириш билан билиш назарияси ривожланиб боради. ОФМда материяни муҳим хусусиятлари ва тузилиши, яшаш (фазода → вақт → ҳаракат) шакли ҳамда илмий билиш ривожланиш қонуниятлари ҳақида ўзининг аниқ табиий илмий маъноси шаклланиб, қарор топиб боради. ОФМ билимлар тизимини системалаштириш ҳисобланиб, физикавий назарияларни тушунтириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Физикавий ва фалсафий билимларни ягона системага бирлаштирувчи кенг ва кўп қиррали тушунчалардан бири ОФМ нинг фундаментал методологик аҳамияти шундан иборатки, уни тўғри талқин этиш маънавийтни юксалишига сабаб бўлади. ОФМ тушунчаси физикавий ғоя, қонун ва назариялар дунёқараш мазмунини аниқлашда шунингдек, ҳозирги замон физикасининг атрофида эмпирик ва назарий материалларни бирлаштириш ҳамда системалаштириш воситаси ҳисобланиб, муҳим методологик вазифани бажаради.

## Узлуксиз физика таълимида оламнинг физик манзараси.


Физиканинг фундаментал назариялари	Оламнинг физик манзараси (ОФМ)
Кириш	Физикани ўрганиш объектлар, моделлар ва илмий билиш методлари.
Механика	<p>Фазо ва вақт, оламнинг моддийлиги, материя тузилиши (мегаолам, макроолам ва микроолам).</p> <p>Жисмларнинг ўзаро таъсири, куч-жисмларнинг бир-бири билан ўзаро таъсирини характерлайди.</p> <p>Тўлиқ механик энергиянинг сақланиш қонуни.</p> <p>Моделларнинг қўлланилиши (моддий нукта, санок системаси ва бошқалар), механиканинг асосий тушунчалари (кўчиш, тезлик, тезланиш, куч, масса), моделлар, тушунчалар, қонунлар ва назариялар.</p>
Молекуляр физика ва термодинамика	<p>Броун ҳаракати – моддий нукта сифатида модда молекулаларининг ўзаро таъсири.</p> <p>Газлардаги иссиқлик жараёнлари ва уларнинг молекуляр тузилишини статистик таҳлил қилиш.</p> <p>Энергия тушунчасини ривожлантириш – молекулалар илгариланма ҳаракатининг ўртача кинетик энергияси.</p> <p>Молекуляр кинетик назариянинг асосий тенгламаси газ молекулаларни характерловчи макроскопик ва микроскопик катталикларни ўзаро боғлиқлиги.</p> <p>Молекуляр кинетик назария асосида модданинг барча агрегат ҳолатларида унинг тузилишини тушунтириш.</p> <p>Термодинамик системаларнинг ўзаро таъсири – макроскопик жисмларнинг йиғиндисидир.</p> <p>Энергиянинг сақланиш қонунининг универсаллиги – термодинамиканинг биринчи қонуни.</p> <p>Энергия тушунчасини ривожлантириш – ички энергия, энергиянинг бир турдан бошқа турга айланиши.</p> <p>Термодинамик система параметрларининг ўзаро боғлиқлиги сифатида – газ қонунлари.</p>
Электродинамика	<p>Кулон кучи – электр зарядларининг ўзаро таъсири характеристикаси, электр зарядларнинг сақланиш қонуни, электр ва магнит майдонлари.</p> <p>Сақланиш қонунининг универсаллиги ва энергиянинг айланиши.</p>
Квант физикаси элементлари	<p>Атом ва атом ядросининг мураккаб тузилиши. Физик назарияларни тушунтириш.</p> <p>Энергия тушунчасини ривожлантириш – энергия бирлиги, атом ядросининг боғланиши энергияси. Ядровий ўзаро таъсир, ядровий кучлар. Материя тузилиши – микроолам.</p>
Хулоса	<p>Оламнинг моддийлиги.</p> <p>Ҳаракат – материя мавжудлиги ва ҳаракат шакллари: кимёвий, биологик ва фундаментал ўзаро таъсирлар: гравитацион, электромагнит, кучли, кучсиз, физик объектнинг характеристикаси – жисм импульси, жисм импульси сақланиши, чексиз олам ҳақидаги тасаввурлар.</p>

Ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш бўйича фаолияти тегишли руҳий қобилиятларга ва ўзини тутиш усулларига эга бўлишга ёрдам беради. Узлуксиз физика таълимида тушунча, модел ва қонунларни ўрганиш бўйича фаолиятнинг умумлаштирилган схемаларидан фойдаланишни тақозо қилади. Психологияда эса тушунчалар, мулоҳазалар, хулосалар каби умумлаштиришларнинг турлари ажратиб кўрсатилган.

**Диссертациянинг иккинчи боби “Физикадан назарий умумлаштиришларда илмий билимларнинг мазмуни ва тузилиши”**, деб номланиб, унда ҳозирги замон шароитида узлуксиз таълим тизимининг: умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими босқичларида физикани ўрганишнинг асоси – физик назарий билимларнинг асосий шакли бўлиб ҳисобланади. Бундай ёндашув, энг аввало, физикани ўқитишнинг дастлабки босқичларидаёқ физик назариялар, уларни тузулмалари элементларининг ўзаро боғланиши каби илмий билимларнинг турлича ташкил этилишини акс эттирувчи билимлар тизимини шакллантириш заруриятидан келиб чиқади.

Фундаментал физик назарияларни назарий умумлаштиришлар билан ўзаро боғлаб тушунтириш билимлар кетма-кетлигини очиб беради. Шундай экан физик назариянинг билимлар тизимини ташкил қилувчи **тушунчалар, моделлар, қонунлар, тамойиллар назарий умумлаштиришлар** деб номланади. Физикавий тушунчалар, моделлар, қонунлар, назариялар оламнинг физик манзараси ғоялари билан тақдим этилади.

Узлуксиз физика таълимида бериладиган ва ўрганиладиган назариялар ва билимлар олам ва одам бирлиги ҳақида бир бутун билимларни шакллантиради. Бу билимларнинг элементлари ОФМ ҳақидаги мураккаб ўзаро боғланувчи тизимни ташкил этади.



**1–расм.** Баркамол маънавий етук шахс модели.

Физикадан ўқув жараёни ўқув мақсадлари, мазмуни, методлари, ўқитиш шакллари ва ўқув воситаларни ўз ичига олади. Узлуксиз физика таълимида оламнинг илмий манзарасини акс эттирадиган ва маълум амалий аҳамиятга эга бўлган билимлар тизимини шакллантиришни ўз зиммасига олади. Таълимнинг шакл ва мазмуни таълим ва тарбияга йўналтирилган жараён бўлиб, унинг давомида маданий кадриятлар ва дунёга ахлоқий-ҳиссий муносабат, касбий ва ижодий фаолият тажрибаси устувор бўлади. 1-расмда ОФМни таркиб топиши асосида баркамол етук шахснинг шаклланиб бориши акс эттирилган. Демак, маънавий етук шахсни тарбиялашда дунёқараш аспекти муҳим аҳамият касб этиб, у замон руҳидаги онгли кишини – баркамал инсонни шакллантиришда тамал тоши бўлиб хизмат қилади деб айтиш мумкин.

Узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришларни шакллантириш учун энг мақбул бўлган бу курснинг тузилиши концентрик бўлишини тақозо этади. Илмий таълим соҳасидаги умумий ўрта таълим мақсадларини аниқлаштириш ўқувчиларда илмий дунёқараш асослари, дунёга яхлит қарашни ва ундаги шахснинг ўрнини шакллантиришни назарда тутди.


Оламнинг умумий илмий манзарасининг ажралмас қисми – бу табиий-илмий фанларнинг таркибий қисмидир. Назарий умумлаштиришлар физик назариялар миқёсида кўриб чиқилди ва унинг тузулмасига – асос, ядро, оқибат – натижалар, амалий қўлланилиши каби кетма-кетлик киритилади. Назарий умумлаштиришлардан ташкил топган билимлар тизими илмий билиш методлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилади. Зеро, физика курси: механика, молекуляр физика ва термодинамика, электродинамика ва квант физикаси каби физик назарияга кирувчи билимлар системасидан иборат. Билимлар системаси эса оламнинг физик манзараси ғояси асосидаги моделлар, тушунчалар, қонунлар, тамойиллар ва бошқалардан ташкил топган.

Диссертациянинг **“Узлуксиз физика таълимида таркибий – мазмунли дидактик моделлар”**, деб номланган учинчи бобида физика курси мазмуни лойиҳалаш муаммоларини тадқиқ қилиш илмий билимлар таркибий бирлиги сифатида физик назарияга йўналтирилган бўлади. Тадқиқот ишига асосланиб, илмий билимларни ўрганишда реал ва идеал моделларга асосланган ёндашув бизларга катта имконият беради.

Агар бундай ёндашув билимларни идеал моделга айлантиришга асосланадиган бўлса, билиш диалектика категориялари ва қонунлари ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, модели ёндашув оралиқ ҳолатни эгаллайди. Шунинг учун модели ёндашув асосида объектларни тасвирлашда график, расм ёки схемалар ёрдамида уларни тасвирлаш имконини беради.

Физика курси ўқув материалининг динамик ўзаро боғланишини амалга оширишда ОФМ даражасида назарий умумлаштиришларни таркиблаштириш муҳим мазмунли дидактик модели ташкил этади. Узлуксиз физика таълими мазмуни назарий умумлаштиришларга асосан таркиблаштириш уларни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаш ва асослашда ҳам ўзига хос аспектилар ишлаб чиқилади ва ҳар бир кетма-кетликда ривожлантирилиб борилади.





2-расм. Физик билимларнинг таркибий – мазмунли дидактик модели.

**Физик билимларнинг таркибий-мазмунли дидактик модели** марказида келтирилган назарий умумлаштиришлар илмий билиш методи билан ўзаро боғлиқликдаги; далиллар (танишиш)→моделлар+тушунчалар+қонунлар (назарий умумлаштириш – моделлаштириш)→амалда қўлланилиши (эгаллаш)→фаолият усуллари (уддалаш) кетма-кетлигида амалга оширилади.

Илмий билиш методи ҳақидаги билимларни шакллантириш моделда «Илмий билиш методлари билан таништириш» блоки билан акс эттирилган. Ҳар қандай физик назария амалий аҳамиятга эга. Ушбу аспект эса «Амалда қўлланилиши» (эгаллаш) блоки кўринишида тасвирланган. Билимларни шакллантириш фаолиятнинг турли кўринишлари асосида амалга оширилиб, у «Фаолият усуллари» (уддалаш) блокада акс эттирилган (2-расм).


Фанларнинг тараққиёти бевосита илмий тадқиқот методлари билан бирга ривожланиб боради. Фундаментал физик назариялар (механика, молекуляр физика ва термодинамика асослари, электродинамика ва квант физикаси) кетма кетлигида содир бўладиган ҳодиса ва жараёнларни: танишиш→моделлаштириш→эгаллаш→уддалаш таксономияси асосидаги билимларни умумлаштирмасдан фанларнинг асосий категорияларини яратиб бўлмайди. Усиз эгаллайдиган билимларимизни системага солиш мумкин эмас. Усиз фан ва илмий билимлар тараққий эта олмайди. Барча илмий категориялар, улар ёрдамида ифодаланувчи **назарий умумлаштиришлар** натижасида ҳосил қилинади.

Назарий умумлаштиришларнинг шаклланиши қуйидаги кетма кетликда амалга оширилади. Улар: далиллар→моделлар→тушунчалар→қонунлар→амалий қўлланилиши→фаолият усуллари кабилардир. Оламнинг физик манзараси физиканинг фундаментал назариялари асосидаги таркибий мазмунли моделлар асосида тақдим этилади.

Демак, узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришлар танишиш→моделлаштириш→эгаллаш→уддалаш каби таксономия асосида мазмунли дидактик моделларини ишлаб чиқиш мумкин. **Физик билимларнинг таркибий мазмунли дидактик модели** (2-расм) тамойиллар асосида назарий умумлаштиришлар таркибига кирувчи билимларни шакллантириб, уларнинг амалий қўлланилиши ва фаолият усуллари бевосита ривожлантириб, таркиб топтиришга хизмат қилади.

Билишнинг эмпирик поғонасидан кўра унинг назарий поғонаси кўпроқ табиат ва жамиятдаги билимларни ўзида мужассамлаштиради. Бу эса фан сифатида физикани ўрганишда билимларнинг синергетикасини таъминлайди (3-расм. Билишнинг поғоналар).

Мисол сифатида биргина «Механика» бўлимининг; куч, масса каби тушунчалар асосида Ньютон қонунлари шакллантиришнинг таркибий мазмунли дидактик модели 4-расмда тасвирланган. Мавзунини ўрганишнинг амалий аҳамияти Ньютон қонунлари маълум куч ва жисм массаси унинг тезланишини аниқлашдан иборат бўлади. Ҳаракат тезланиши ва бошланғич шартларни билиб, ҳар қандай вақт оралиғида жисм ҳолатини аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, жисм ҳаракати траекторияси ҳисобланади.




3-расм. Билиш поғоналари.

Тўртинчи боб “Узлуксиз физика таълимида назарий умумлаштиришларни амалга ошириш методикаси” деб номланиб, механикани ўрганишда Ньютон қонунлари қуйидаги кетма-кетлик бўйича киритилади: далиллар (ҳодисаларни кузатиш); фараз (ҳаракат шартлари ёки жисмлар ўзаро таъсирини аниқлаш); модел (моддий нукта); қонуннинг таърифи – шундай санок тизимлари мавжудки, уларга нисбатан ташқаридан куч таъсир қилмаган жисмлар ё ҳаракатсиз ҳолатда, ёхуд тўғри чизиqli текис ҳаракат ҳолатида бўлади. Бундай тизимлар инерциал санок тизимлари деб номланади (Ньютоннинг биринчи қонуни); оқибатлар; амалий қўлланилиши (жисмларнинг ҳаракати ва ўзаро таъсирга оид мисоллар).

Жисмларнинг ўзаро таъсири тезликлар ўзгаришига сабаблар бўлишини кўрсатиш муҳим. Жисмлар ўзаро таъсири бўйича инертлик тушунчаси киритилади, у масса билан тавсифланади.

Ньютоннинг иккинчи қонунини ўрганишни бошлашдан олдин куч тушунчаси жисм тезланишини юзага келтирадиган бошқа жисмнинг таъсири сифатида умумлаштириш ва ривожлантириш зарур.

Худди шундай таклиф этилган танишиш → моделлаштириш → эгаллаш → удалаш дидактика асосидаги далиллар → моделлар → тушунчалар → қонунлар → амалий қўлланилиши → фаолият усуллари кетма-кетлигида Ньютон қонунлари мисолида умумлаштиришлар ўтказилди (2-жадвал).



4-расм. Жисм ҳаракати ва куч. Ҳаракат қонунлари ҳақидаги ўқув материалнинг таркибий-мазмунли дидактик модели.

## Динамиканинг асосий қонунлари умумлаштириш

Динамиканинг асосий қонунлари	Жавоби қонундан топиладиган савол	Формула	Ўзаро таъсир
Ньютоннинг биринчи қонуни	Қачон жисм тезланишсиз ҳаракат қилади?	$\vec{a} = 0$ бўлса, $\vec{F} = 0$	
Ньютоннинг иккинчи қонуни	Тезланиш нимага боғлиқ?	$\vec{a} = \frac{\vec{F}}{m}$	
Ньютоннинг учинчи қонуни	Жисм бир-бири билан қандай таъсирлашади?	$\vec{F}_1 = -\vec{F}_2$	

Умумлаштиришлар моҳиятидан келиб чиқиб, мисол тариқасида юқорида берилган саволни таҳлилий жавобига мос келадиган “Таққослаш жадвали”нинг бир кўриниши келтирилган (3-жадвал).

## Оғирлик, эластик ва ишқаланиш кучларининг табиати ва улар орасидаги фарқга доир “Таққослаш жадвали”

№	Таққосланувчи кучлар Таққосланувчи хоссалар	Оғирлик кучи	Эластиклик кучи	Ишқаланиш кучи
1	Вужудга келиши	Жисмларнинг ерга тортилиши туфайли	Жисмларнинг деформацияланиши туфайли	Жисмларнинг бир-бирига ишқаланиши туфайли
2	Табиати	Гравитацион табиатга эга	Электромагнит табиатга эга	Электромагнит табиатга эга
3	Формуласи	$P = mg$	$F = k \cdot x$	$F = \mu \cdot P_n$
4	Қиймати	Ер сиртига энг максимал қийматига эга	Ташқи кучга қарама-қарши йўналган бўлиб, ташқи куч ошиши билан ошади ва камайиши билан камаяди.	Ташқи кучга қарама-қарши йўналган бўлиб, максимал қиймати тинчликдаги ишқаланиш кучига сон жиҳатдан тенг бўлади.

5	Катталиги	Жисмларнинг массалари кўпайтмасига тўғри, улар орасидаги масофа квадратига тескари пропорционал ҳолда боғлиқ	Модданинг тузилишига ва геометрик ўлчамларга боғлиқ	Ишқаланувчи жисмларнинг материали ва ишқаланувчи сиртларнинг силлиқлигига ва нисбий тезликка боғлиқ.
6	Сиртга нисбатан йўналиши	Доимо ер марказига қараб йўналган бўлиб, ер сиртига перпендикуляр бўлади.	Доимо деформацияланувчи и сиртга перпендикуляр бўлади.	Доимо ишқаланувчи сиртларга уринма бўйлаб йўналган бўлади.
7	Температурага боғлиқлиги	Боғлиқ эмас	Боғлиқ эмас	Температура ортиши билан ошади.
8	Сиртни юзасига боғлиқлиги	Боғлиқ эмас	Боғлиқ эмас	Боғлиқ.

Бундай таққослаш жадваллари физика мавзуларини умумлаштириш, ўзаро таққослаш, уларни таҳлил қилиш ҳамда уларни эслаб қолишни осонлаштиради, умумлаштирувчи дарсларни ўтиш интенсивлигини кескин оширади.


Худди шу тамойиллар асосида материянинг ҳаракат шакллари: механик, иссиқлик, электромагнит ва ядронинг ички ҳаракати ҳамда физик катталикларга татбиқ этиш натижасида ҳам билимларни умумлаштириш давр талаби эканлиги кўрсатиб ўтилди (4-жадвал).

4-жадвал.

#### Тебраниш ва тўлқинли жараёнлар параметрларининг ўзаро боғланиши

	$\omega$	$T$	$k$	$\lambda$
$\omega$	=	$\frac{2\pi}{T}$	$gk$	$\frac{2\pi g}{\lambda}$
$T$	$\frac{2\pi}{\omega}$	=	$\frac{2\pi}{gk}$	$\frac{\lambda}{g}$
$k$	$\frac{\omega}{g}$	$\frac{2\pi}{gT}$	=	$\frac{2\pi}{\lambda}$
$\lambda$	$\frac{2\pi g}{\omega}$	$gT$	$\frac{2\pi}{k}$	=

Назарий умумлаштиришлар физик назариялар миқёсида кўриб чиқилади ва унинг тузилмасига–асос → ядро → оқибат → натижалар → амалий қўлланилиши каби кетма-кетлик киритилади (5-расм).



**Моделлар:**

- моддий нукта;
- саноқ жисми;
- жисмлар системаси;
- саноқ системалари (инерциал ва ноинерциал).

**Тушунчалар:**

- механик ҳаракат;
- макроскопик жисм;
- механик ҳолат;
- ўзаро таъсирлар;
- ҳаракат турлари;
- асосий механик катталиклар (узунлик, вақт ва масса).

**Тамойиллар:**

- узоқдан ва яқиндан таъсир;
- суперпозиция;
- нисбийлик;
- симметрия;
- мустақиллик
- сақланиш.

**Ньютон қонунлари:**

- инерция қонуни;
- $a = F / m$ , ўзаро таъсир;
- таъсир ва акс таъсир;
- Бутун олам тортишиш.

**Сақланиш қонунлари:**

- энергия,
- импульс;
- импульс моменти;
- инерция моменти.

**Асосий характеристикалар:**

- илгариланма ҳаракат;
- айланма ҳаракат ;
- тебранма ҳаракат.

**Табиий ва техник ҳодисаларни тушунтириш:**

-жисмлар мувозанати, вазнсизлик, самолёт қанотининг кўтариш кучи, реактив ҳаракат ва бошқалар.

-тебранма ва айланма ҳаракатлардан техникада фойдаланиш.

**5-расм.** Механиканинг тузилмавий бирлиги.

Назарий умумлаштиришлар билан ташкил топган билимлар тизими назарий методлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилади. Фундаментал физик назарияларни назарий умумлаштиришлар билан ўзаро боғлаб тушунтириш, билимлар кетма-кетлигини очиб беради. Шундай экан физик назариянинг билимлар тизимини ташкил қилувчи моделлар, тушунчалар ва қонунлар назарий умумлаштиришлар деб номланади. Зеро, физика курси фундаментал назарияларга кирувчи билимлар тизмидан ташкил топади.

